



**ДУО БИЛАН
КЎКАРАР ЭЛ** 2

**ТАВАККАЛ
ҚОДИРОВНИНГ
ТАНТИЛИГИ** 4



**КЕЧИККАНДАН
ИЛЛАТ КЕЧМАЙДИ** 6

АГАР МЕН... 8



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

— Муҳтарам Президентимизнинг "...Қаерда хушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият кудратли кучга айланади" деган ҳикматли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий шиорга айланиши лозим, — дейди Республика маънавият тарғибот маркази Самарқанд шаҳар бўлими раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби Тангир САТТОРОВ. — Шу маънода, 1999 йилдан буён мамлакатимизда 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинаётгани кекса авлодга, бир сўз билан айтганда, буюк истиқлол неъматидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром рамзи десак муболаға бўлмайди. Бундай эзгу ва хайрли саъй-ҳаракатлар эртанги кунимиз ворислари — ёшларимизнинг маънавий дунёсини янада бойитиб, уларнинг қалби ва тафаккурида умуммиллий қадриятларга эҳтиром туйғусини ҳам тобора мустаҳкамлайди.



"Оила ва жамият"
газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий
аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳам-
фикр,
ҳаммаслақ бўлиб келаётган муҳтарам
муштарийлар!
Унутманг, сеvimли газетангизга йил бўйи
обуна
бўлишингиз мумкин.



Индекс — 176

ҲИКМАТ

Бугуннинг чорасини
кўриб, эртага эҳтиёжи
қолмаган киши ақлидир.

Абу Райҳон
БЕРУНИЙ

**Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси фаолиятидан**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 68-мактабга таълим муассасасида "Зумрадойлар давраси" тўғраги фаолиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларга жохон андозаси даражасида билим бериш, айниқса, қизларнинг таълим-тарбияси масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда мактабга таълим босқичини сифат ва мазмун жиҳатдан тобора такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тизимдаги муассасаларда тарбия жараёни давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган "Болажон" дастури асосида амалга оширилмоқда. Мазкур дастурдан болаларнинг маънавий ва жисмоний камол топи-

**"ЗУМРАДОЙЛАР ДАВРАСИ"
ОММАЛАШМОҚДА**

ши учун зарур дастлабки билим ва кўникмалар ўрин олган.

Халқ таълими вазирлиги қарашли Мактабга таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методик маркази мутахассислари томонидан мураббийлар ва ота-оналар учун "Зумрадойлар давраси" номли услубий қўлланма тайёрланди. Унга асосан йўриқномалар ишлаб чиқилиб, барча мактабга таълим муассасаларига етказиб берилди. Ундан қиз болаларни одобли, ахлоқли этиб тарбиялаш, уларнинг қалбида меҳнатсеварлик, ростгўйлик, камтарлик, яхши-ёмонни ажрата билиш, шахсий гигиенага риоя қилиш каби ижобий хислатларни шакллантириш бўйича зарур тавсиялар ўрин олган. Машгулотлар кичик гуруҳларда ўйин, савол-жавоб тарзида олиб борилади. Тайёрлов гуруҳларда аввал уйга вазифа сифатида берилган топшириқ кейин-

ги машгулотда сахна кўриниши шаклида ижро этилади.

Семинарда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда 3-6 ёшли қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор қаратиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида мактабга таълим муассасаларида "Зумрадойлар давраси" тўғрақларини ташкил этиш тартиблари ҳақида маълумотлар берилди.

Семинар иштирокчилари томонидан "Зумрадойлар давраси" тўғрақлари фаолиятини янада оммалаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

ДУО БИЛАН КЎКАРАР ЭЛ

Мавжуда ая Норинбоева бу йил 96-муборак баҳорини кутиб олдилар. Юзларидан нур, сўзларидан дур тўкилиб турган бу онахон билан суҳбатлашиб тўймайсиз. Хонадон дарвозаси ҳамиша очиқ. Мавжуда аяни йўқловчиларнинг кети узилмайди.

— Ёшлигимиз урушнинг суронли йилларига тўғри келган, — дея сўз бошлайди онахон бугунги кунларга шукроналар айтиб. — Онам жуда эрта қазо қилгани боис, рўзгор юмушлари ва ҳатто дала ишлари ҳам менинг ёш бошимга тушган. Отам раҳматли "Онаси кўнглинг ярим бўлиб ўсдинг, тезроқ турмушга чиқсанг, ўз уйинг, рўзгоринг бўлади", деб вояга етишим биланоқ узатиб юборганлар. Машаққат чеки улғайганим кўл келди. Қайнонам ҳам, турмуш ўртоғим ҳам мени яхши кўришарди. Аммо одам боласи пешонасида нима борлигини олдиндан билвермас экан. Нима бўлди-ю, оилам бузилди. Боз устига ўшанда ҳомилдор эдим. Икки боламини кучоқлаб, қаҳатчилик азобларини бошдан ўтказдим. Ишонасизми, чордевор уйда кун кечирардик. Рўзгорни тебратиш учун кундузи ишлаб, тунда уй юмушларини бажарардим. Бир ҳовуч ун учун уззукун ишлаган пайтларим бўлган. Ҳатто даладан тўкилган-социлган шולי бошоқларини териб келиб, тунда кели тугардим. Яхши одамлар бор бўлсин, менга ҳам мурувват кўрсатишди. Тугишганим Меҳринисо опам ва поччам Муллажон ака уларининг ёнидан кичик уй қуриб беришди. Рўзгоримизга қарашиди. Полапонли қушдек чирқиллаб меҳнатдан қочмай, фарзандларимни бир кўзим билан катта қилдим. Биласизми ўша кезларда сават тўла ноним

бўлса, уйимдан меҳмон аримаса, ўғилларим институтларда ўқиб, дўхтир бўлсаю мени кийнаётган дардлардан халос этса, деб ният



қилардим.

Ниятингиз холис, ишга иштиёкли бўлсангиз, ҳаёт изига тушиб кетаркан. Турмушим қийин кечган бўлсада, фарзандларимнинг ўқиб-изланиши учун шароит яратишга интилдим. Эндликда уларнинг ҳалол пул топиб, рўзгорини бутлаётганини кўриб, шукрона айтаман. Бир онага бундан ортиқ бахт борми! Қаранг, набираларимнинг ҳаммаси ўқимишли, ишбилармон, тиббиёт ходимлари. Йўқлаб келишса кўзларим севинчдан ёшланади. Замонамиз тинч, ёшлар учун барча қулайликлар яратилган. Маҳалларимизнинг ободлиги, дастурхонимизнинг тўкин-сочинлиги олий саодат-да! Шу кунларга етказганига шукур. Халиям юрагимда ғайратим бор. Ул-бул юмуш билан машғул бўлишни истайми. Тирик жоннинг тек ўтириши ярашмайди-да, бола. Қўлимга игна олиб, эвара-чеваралар учун бир нималар тикиб бергим келади.

Юз билан юзлашганлар

Мавжуда ая барча эзгу ниятлари ижобатини кўрган муҳтарама онахонлардан бири. Катта ўғли Озодбек Юсупов Самарқанд кооператив институтини битириб, кўп йиллар давомида савдо соҳасида фаолият юритди. Тошкент тиббиёт академияси (собиқ ТошМИ)нинг стоматология факультетини тамомлаб, эл-юрт дуосини олган Ёқубжон акани нафақат Тошкент вилоятида, балки республикаимизда ҳам кўпчилик моҳир шифокор сифатида танийди. Ёшларга ҳамisha ўзининг тўғри йўл-йўриқларини кўрсатиб келаётган бу инсонлар бугунги кунда неварачеваралар ардоғида.

Алишер ака эса иқтисодчи сифатида элга хизмат қилди.

Аянинг катта келини Мухаббатхон опа мактабда болаларга немис тилидан сабоқ бериб, элда обрў толган бўлса, ўртанча келини Маҳфуза опа тиббиёт ходими, кичик келини Зулхумор опа иқтисодчи. Ҳаммалари ўзларидан тинган, кўпайишган. Бугун Мавжуда ая 14 нафар набира, 28 нафар чевара, 2 нафар эваранинг севимли бувижониси...

— Ойижоним билмаганимизни ўратганлар, — дейди ўртанча келини Маҳфуза опа. — Пазандалик борасида уларга тенг келадигани йўқ. Тандирда ёпган нонларининг таъми оғзингизда қолади. Ойимни таниганларнинг барчаси катта ойи деб чакиришади. Чунки улар ҳаммага бирдек меҳр беришга улгурганлар.

Нигора ўРОЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири
Тошкент вилояти.

Юртимизда ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини янада яхшилашга доимий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу борада бир қатор вазирликлар, таълим муассасалари билан ҳамкорликда кенг қўламли тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан аня-

"СОЛИҚ БИЛИМЛАРИ — БОЛАЛАРГА"

навий тарзда ўтказиб келинаётган "Солиқ билимлари — болаларга" ижодий кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда мазкур танловнинг ҳудудларда барча номинандилар бўйича биринчи ўринни эгаллаган иштирокчилар солиққа оид билимла-

ри юзасидан ўзаро беллашдилар. Солиқ хизмати, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунара таълими маркази вакилларидан иборат ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг билимлари баҳолашди.

Танловнинг туман, вилоят босқичларида ҳам ўқувчи-

ларнинг катта қизиқиш билан қатнашганлиги ёшларимиз ҳуқуқий билимларни тобора мустаҳкам эгаллаётгани, уларнинг ижтимоий фаол бўлиб камол топаётганини англатади. Ижодий кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиблари диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур танлов ёшларнинг солиқ қонунчилиги бўйича кўникмаларини мустаҳкамлашга, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Ўз мухбиримиз

"Соғлом авлод учун"
халқаро хайрия фонди
ташабууси билан

**ХАЙРИЯ
ЁРДАМЛАРИ**

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент фотосуратлар уйида ўтказилган хайрия тадбирида Тошкент шаҳри ва вилоятида истиқомат қилувчи 14 нафар имконияти чекланган болаларга АҚШнинг "AmeriCares" халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик натижасида келтирилган махсус ногиронлик аравачалари топширилди.

— Фонд томонидан тақдим этилаётган аравачалар имконияти чекланган болаларнинг эркин ҳаракат қилишлари учун бироз бўлса-да, қулайлик яратади, — дейди Олмазор тумани "Қорасарой" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нафиса Эргашева. — Маҳалламизда истиқомат қилувчи Акбаржон Рихсибоев олти яшарлик пайтида баландликдан йиқилиб, оёқ бўғимлари қаттиқ шикастланган эди. Узоқ даволанишлардан кейин ҳам суяк бўғимлари асл ҳолига қайтмади. Шифокорлар унга суяк сили, дея ташхис қўйишди. Ун ёшли Акбаржон юролмайд қолди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан берилган ногиронлик аравачаси Акбаржонга жуда ажойиб туҳфа бўлди. Бунинг учун маҳалламиз аҳли номидан фондга миннатдорчилигимизни билдирдим.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди мурувват йўналишида "AmeriCares" ташкилоти билан 18 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жорий йилнинг 4 ойи давомида мазкур ташкилот билан ҳамкорлик натижасида умумий қиймати 23 803,8 АҚШ долларига тенг бўлган 550 та ногиронлик аравачалари келтирилган ва бугунги кунда фонд ҳамда унинг ҳудудий филиаллари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари, имконияти чекланган фуқароларга етказилмоқда.

Барно МИРОДИЛ қизи.

Танлов

МАҲМУД АКАНИНГ МАКТАБИ

Бу мактаб ҳаёт билан, тириклик билан чамбарчас боғлиқдир. Яратган ҳар биримизга оғир-енгил синовлардан ўтиш учун умр беради, имкон ато қилади. Кимнингдир чекига осонроқ, яна кимнингдир тақдир-аъмолига эса машаққатлироқ йиллар ва йўллар nasib этади. Биз бугун хотирлаётган инсон бошқалардан ўзгачароқ, яъни ҳаётнинг ҳар қандай имтиҳонларини сабру бардош билан энгишга интилганлиги, энг муҳими, эл орасида ўзининг хайрли ишлари билан довруғ қозонган фидоий юртдошларимиздан бири эди.

Умрини юрт фаровонлиги, одамларнинг бахту саодатига бағишлаб яшаган инсонлар ҳаётда мудом ёруғ из қолдиради. Маҳмуд Каримов ҳақида сўз кетса, шахрисабзликлар уни ана шундай нурли хотиралар билан ёдга олишади.

Тақдирни қарангки, Маҳмуд ака 1914 йилнинг 9 май куни Шахрисабз шаҳрининг Оловиддин гузарига таваллуд топган эди. Чақалоқ пайтидаёқ онаси дунёдан ўтгани боис уни хола ва опалари тарбиялаб катта қилишди.

У ўрта мактабни битириб, Бухоро шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш институтига ўқишга кирган бўлса ҳам, ўтган асрнинг 30-йилларидаги қийинчиликлар ўқишни охиригача давом эттиришига монелик қилди. Маҳмуд тезроқ бирор касб-корли бўлиш мақсадида Бухорода олти ойлик молия мутахассислари тайёрлаш курсига кирди, ўқишни битиргач, Косон туман молия идорасида ишлади.

Кўп ўтмай Шахрисабзга қайтган Маҳмуд Қорасув қишлоғи аҳолисига янгича ўқиш-ёзишни ўргата бошлади. Кейинчалик Ҳазора қишлоғидаги мактабда директор бўлиб ишлади. Афсуски, унинг илм-маърифат тарқатиш йўлидаги эзгу ишлари уруш туфайли тўхтади.

1939 йилда Маҳмуд Каримов кўплар қаторида фронтга жўнади. Аввал артиллерия полкида қатнашди, сўнгра мудофаага жалб этилди. Унинг Берлингача жанг қилиб борган аскарлар сафида катта матонатлар кўрсатгани ҳақида яқин-яқингача ҳам сафдош дўстлари ифтихор билан эслашарди.

Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Маҳмуд ака она шаҳрига эсон-омон қайтиб келди ва Назокатхон билан умр ришталарини боғлаб, узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги бўйича турли масъул лавозимларда ишлади.

Кейинчалик ўн саккиз йиллик умрини механизатор кадрлар тайёрлаш ишига бағишлади. У директор бўлиб ишлаган Чоршанбедаги 8-қишлоқ хунар-техника билим юртида ўша йиллар мобайнида 8 минг нафардан зиёд механизатор шу касбни пухта эгаллашди. Маҳмуд Каримовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвони берилди.

1979 йилда кексалик нафақасига чиққан бўлса ҳам Маҳмуд ака ниҳоятда ғайрат-шижоатли бўлгани учун ўзи яшаган "Уйчилик" маҳалласида жамоатчилик асосида маҳалла оқсоқоли бўлиб ўн йилга яқин фаолият кўрсатди. Унинг ҳамжиҳатликда аудо этган эзгу ишларини ўша пайтда ёш бўлган, ҳозир эса нуроний ёшга етган кексалар ҳамон фахрлиб ишлариб юришади.

Маҳмуд ака фарзандларига ҳам камтарлик ва ҳалолликни, ўз ишларига садоқат билан ёндашишни, эл қорига ярайдиган бўлишни ҳаётларининг мазмунини қилиб олишларини ўқтирарди. Дарҳақиқат, ота-она ўғитларига амал қилган ворислари ҳаётда мудом тўғри йўл танлашди, ўқиб-ўрганиб, ўзлари қизиққан касбларни эгалладилар.

Тўнғич ўғил Турсунпўлат Каримов кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида етук мутахассис, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида масъулиятли вазибаларда хизмат қилди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини битирган Шавкатжон ҳам қишлоқ хўжалиги сув таъминоти йўналишида ибратли фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳусанжон, Азаматбек, Фароғатхон, Шаҳодатхонлар ҳам ҳалол ва меҳнатсеварлиги туфайли касб-корларидан барака топиб, эл хурматиға сазовор бўлишган.

Урушнинг оловли ўчоқларини мардонвор кечиб, тақдирнинг инояти билан фарзандларининг эл қорига яраб, яхши инсон бўлиб етишганидан масрур ва бахтли ҳаёт кечирган Маҳмуд ака 74 ёшида дунёдан ўтди.

Инсон хотира билан тирик деган иборани эшитганда, беихтиёр кўз ўнгимиздан ўзининг эзгу амаллари туфайли эл-улус орасида қадр топган инсонлар ҳаёти кинотасмалари каби бир-бир ўтаверади. Шу маънода биз бугун мухтасаргина сўз юритган Маҳмуд Каримовнинг босиб ўтган мураккаб умр йўллари ва юртдошлари наздида ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоққа лойиқ савобли ишлари ҳақида ҳар қанча фахрлианиб сўзласак, бугунги ёшларга ибрат бўлади.

Мўмин АЗИЗОВ.



ЭҲТИРОМ

Ушбу суратда акс этган Комиловлар оиласини билмайдиган, танимайдиган ёхуд эшитмаган одамлар юртимизда кам десак муболаға бўлмайди. Чунки бу хонадон соҳибларидан бири Маҳаммаджон Комилов (чапда) машҳур офтальмолог врач, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси эди. Отаси изидан бориб, элда обрў топган Холидбек Комилов (ўнгда) эса Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори, профессор, бугунги кунда ҳам халқ саломатлиги йўлида фидокорона хизмат қилмоқда. Бир умр ўз оиласида тотувлик, ахилликни таъминлаб келган фаришта-сифат онахон Матлуба ая (ўтган йили қазо қилган эди, Оллоҳ раҳмат қилсин) ҳамда иродали Дилором опа барчанинг эъзозига сазовор бўлган. Бундан икки йилча аввал қутилмаганда бу мўътабар гўшанинг ёлғиз фарзанди Дурдонахон дунёдан ўтиб қолганида ҳаммамиз уларга Яратгандан сабру қаноат тилаган эдик...

9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида бу қутлуғ гўшага ушбу сулола вақиларини ёд этмоқ, қолаверса, бир-бирига азим чинорлардек суяниб яшаётган Холидбек ака ҳамда Дилором опага хурмат-эҳтиром изҳор этмоқ учун уларнинг қариндош-уруғлари, қадрдон дўсту умидли шогирдлари келишади.

М. ҚОДИРОВА

МЕҲРНИ МЕРОС ҚОЛДИРДИ

Одам одамга ганимат, деганлари рост экан. Энг яқин жигаргўшангдан жудо бўлганингдигина бу иборанинг нақадар ҳақиқат эканлигига иймон келтирасан. Тушимга кирганмиди, қадрдон акам Учқун Хўжакулов ҳақида хотира ёзиш?!

Беихтиёр кўз олдимда унинг хокисор ва нурли қиёфаси жонланади. Ёшлигимиз, энг бетакорр лаҳзаларимиз бирга кечганлиги боисми, унутулмайман. Оиламизнинг тўнғичи, опасингил ва укаларимнинг суянчиги, маслаҳатгўйи эди...

Қарши шаҳридаги Араловул маҳалласида янгам Гўзалхон билан файзли хонадонни обод қилиб, Нилуфар, Нуфуза, Ботирхонларни умид билан вояга етказиб, энди машаққатлари роҳатини тотаётган эди. Қолаверса, ҳали мактабда ўқиётган кенжа қизи Лазизанинг бир дунё орзуларини эшитиб ўзига сиғмай қувониб юрвди. Жажжи невараларнинг беғубор табассумидан ҳаёт мазмунини топгандек эди...

Ота-онамиз — Имом ота ва Мухтарама ая бизни бировдан кам қилмай, ахил-иноқлик, меҳр-оқибатли

қилиб вояга етказишди. Ўттиз икки йил мактабда ўқитувчилик қилган волида-мизни биз ҳамиша кучли, иродали холда кўрганмииз. Фарзанд доғи юрак-бағри-ни тилка-пора қилса-да, у киши сабр-матонат билан бизга намуна бўлиб, бизларга таскин-тасалли бериб, энди фақат ўтган инсоннинг хайрли ишларини-гина эслашимиз лозимлигини ўқитиришдан чарчамайдилар.

Учқун акам ҳақида қайси бир даврада гап очилса, уни яқиндан билганлар заминга, табиатга меҳр-муҳаббати баланд бўлганини эслашади. Чунки мутахассислиги мелиоратор бўлганлиги ва замин билан тиллаша олганлиги боис гоёат хурмат қилишарди. Ўзи ҳам тиним билмай ишлар, ниҳол ундириб, бог-роғ яратиб, ерни гуллатиб, яшнатишни, ободликни яхши кўрарди. Жигарбандим кўп эмас, оз эмас, Оллоҳ ато этган 52 йил умрини яшаган бўлса-да, ортидан яхши ном қолдирди, имкони етгунича одамларнинг кўнглини олишга интилди, бировнинг дилини оғритганини эслолмайман.

Бугун унинг ўз қадрдонлари, кўни-қўшнларига



қўрсатган эзгуликлари ҳақида ёруғ хотираларни эсла-япману, бир гал менга мол-мулк, ҳовли-жой талашиб, ҳатто судлашиб юрган ай-рим ака-ука, опа-сингиллар ҳақида афсус билан "Ҳай-ронман-да, одамзот ўзи қанча умр кўради, бу дунёда фақат меҳр-оқибат қолади-ку, нега низолашилади-?", деган сўзлари кулогим остида жаранлагандай бўляпти.

Чунки унинг ўзи ҳаммани бир кўзда кўрарди. Айниқса, падари бузрукворимиз дунёдан ўтганларидан кейин бизларга ўзгача муҳаббат билан муносабатда бўлар, маҳалладошларимизга ҳам йўл-йўриқ кўрсатар, кўмак берарди.

Дилором ХЎЖАКУЛОВА, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти кафедра мудири, психология фанлари номзоди.

ТАВАККАЛ ҚОДИРОВНИНГ ТАНТИЛИГИ

айтилган ҳам, айтилмаган ҳам тўйхонага шошилибди.
Нихоят, ярим тунгача да-

Бу қизиқ ва ибратли воқеани менга қадрдоним Баҳодир Усмонов деган йигит хайрат билан сўзлаб берган эди.

...Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталари экан. Машҳур санъаткор Таваккал Қодировнинг ҳозир урф бўлган ибора билан айтганда, айна "юлдузли онлар"и. Лекин, ул зотга нисбатан шу пайтгача ва бундан кейин ҳам "юлдуз" сўзи умуман қўлланилмаган. Нега десангиз, бундай сохта мактовларни улар кўпам эътиришмаган, қолаверса, осмон узок, юлдуз — сайёралар эса фақатгина самога ярашишни кўпчилик билган бўлса керак-да.

...Куз кунларининг бири. Эрталаб Таваккал ака қадрдон театрига келса, эшик олдидаги қоровул олис Хатирчи туманидан келган бир йигит уни кутиб турганини айтибди. Ҳофиз ўша заҳоти кўчага чиқиб, ҳалиги меҳмон билан минг йиллик қадрдонлардек сўраша кетибди. Шундай доврўгли инсоннинг самимий муомаласини кўрган йигит ҳаяжонланиб, яқинда ўғил кўрганини ва унга яхши ниятлар билан ўзи сўйган санъаткор исмини кўйиб, тўйга чорлаб келганини айтибди. Гап орасида эса ўзининг оддий тракторчи эканлигини ҳам кистириб ўтди.

Хатирчи билан Фарғонанинг ораси яқин масофа эмас. Лекин, ҳофиз ҳам ўйла-

ниб ўтирмасдан, ён дафтарчасини варақлаб, бир ойча муддатни ҳисоблаб, "Шу кунгача улгурасизми?" дебди. Шошиб қолган механизатор бўлса, бош ирғай-ирғай: "Ишқилиб борасизми, ҳаммага ваъда берувдим", дермиш кўзлари пирпираб. Хайрлашаётганида секингина: "Буёғи қандай бўлади, айтмадингиз-ку", дея бошини қашлаб, хизмат ҳақиға ишора қилибди.

Таваккал ака эса кулимсираб: "Укажон, яхши ният — ярим давлат дейдилар, шунча жойдан мени йўқлаб келибсизу, энди савдолашиб ўтирсак, уят бўлади. Адашимнинг тўйида бир хизмат қилсам, осмон узилиб ерга тушмас", дея меҳмонни уйига таклиф қилибди.

Бундай мулозаматни кутмаган митти Таваккалнинг отаси ўша кунийёк Хатирчига жўнаб кетибди ва эртаси кунийёк тўғри раис бувага учрабди.

Унинг гап-сўзларини эшитган кайвони ўзича оддий тракторчини масхаралаб, "Э, қизикмисан, ҳа энди, нима десин, сенинг кўнглингга қараб бораман деб кўйганда, кимсан Таваккал Қодиров сендек бир тракторчининг тўйига келармиди, шу ерлик артистлардан қолмагин", деб қилибди.

Тўйчибой бу гапларни эшитиб, мулзам бўлганча қабулхонадан чиқиб, барибир



умидини узмай, тўйга тайёргарлик кўраверибди.

Орадан белгиланган бир ой ҳам ўтибди. Тўйдан олдинги югур-югурлар айни авжида. Ҳар эҳтимолга қарши маҳаллий хонандалар ҳам айтиб қўйилган. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тўйдан бир кун аввал кечкурун Тўйчи тракторчининг уйи олдида "Волга" машинаси тўхтабди. Ўша маҳаллари, бундай мошинлар анқонинг уруги, ҳамма ҳайрон, ким келдйкан, деб туришса, эшик очилиб, Таваккал Қодиров тушиб келадан йиглаб юборибди. Таваккал ака эса машинанинг орт капотини очиб, водийдан атай олиб келган тўёнларни улашибди.

Ўша куннинг ўзидеяқ таниқли кўшиқчининг Хатирчига келгани ҳақидаги хабар ҳаммаёққа бир зумда тарқалиб,

вом этган тўй-базм тугаб, ҳофизлар мезбонлардан қайтиш учун рухсат сўрашибди. Тўй эгаси раис бувани чорлаб, хофизга аталган зарбоф тўнни кийдириб, хизмат ҳақи тугилган белбоғни топширишини айтибди. Ушанда Таваккал ака елкасига ташланган чопонни кийиб, чор атрофни ўраб олган кекаларни ёнларига чақириб: "Қани отахонлар, энди бир дуо қилсангиз, аввало тўйбола — менинг адашим омон бўлсин, изн берсангизлар, менинг ҳам унга аталган тўёнам бор, шуни топширсам", дея ўртадан тушган ҳамма пулларни кийикчага ўраб, раиснинг қўлидаги белбоққа кўшиб: "Худо хоҳласа, шу йигитчининг уйланиш тўйида ҳам катнашиш барчамизга насиб этсин!" дея йўлга тушибди...

Анвар АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.



ДОМАНГИР — жонли тилимизда "Кейин мендан домангир бўлиб юрма" деган гапни тез-тез ишлатиб тураемиз. Хўш, бу гапдаги "домангир" сўзи қандай маънога эга? "Домангир" сўзи асли "этагидан ушлаш", "этагига ёпишиш", деган маънони билдиради. Бу сўз бировдан хафалиги, гинаси бўлган, ўпка-гина қилувчи, даввогар кишига нисбатан ишлатилади.

Сойбўйи ахли сиздан эмас, мендан домангир.
Шукур Холмирзаев

Аъзам ҳамон ўғай онаси билан дадасидан домангир.
Шухрат.

ТАСАВВУР ВА МУСАВВИР — тилимизда бирор нарсанинг киши онгида акс этиши "тасаввур", расом эса "мусаввир" сўзларида ифодаланади. Аслида "тасаввур" "мусаввир" ва "тасвир" сўзлари битта илдиздан ўсиб чиққан бўлиб, бу илди "расмини чизди", "тасвирлади", деган мазмунни билдирган.

Бу асарда мусаввир ўзи тасаввур қилган оламни тасвирлаган эди.
Журналдан

НОМУС — тилимизда фаол қўлланиладиган бу сўзнинг маъноси ҳам жуда теран. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "номус" сўзининг туб илди "қонун", "виждон", "орият" маъноларини англатган.

Ор-номус туйғуси халқимизнинг энг улуг туйғуларидан бири саналади.
Журналдан

НОВДА — дарахтнинг ёш, ингичка ва узун, бебуток тармоғи тилимизда "новда" деб аталади. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "новда" сўзининг ўзаги "нав" "янги", "ёш" деган маъноларни англатади.

Чарос эллик қадамча юриши билан кўча четидеяги, новдаларини шода-шода қизғиш гуллар қоплаган шафтоли тағида турган Дилшодни кўрди.

Ўткир Ҳошимов
Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.



Қоплон деган исм бизнинг ўзбеклар орасида кам учрайди. Лекин уларнинг қай бири билан кўришган бўлсам, Алпомиш келатли, полновсифат, мард ва жасурлигига кўп бора гувоҳ бўлганман.

Бундан йигирма йилча аввал Самарқанд вилоятининг тоғли Жом қишлоғи (умумий номи шундай, лекин бу ҳудудда йигирмага яқин қишлоқ ва овуллар бор. Айтишларича, аҳоли сони ва зичлиги жиҳатидан нафақат мамлакатимизда, балки Ҳамдўстлик давлатлари орасида ҳам олдинги ўринларда турар экан)га борганимда Қоплон Худоёров деган йигит билан танишиб қолдик. Ва у ўшандаёқ изоҳ берган эди: "Сира ажабланманг, менинг исминни, отам кўп гапириб юрарди, раҳматли бобомиз — машҳур чавандоз Худоёр бобомиз сурхондарёлик қадрдон ошнасиға азбаройи хурматлари баландлиги боис кўйган эканлар". Ўша маҳаллари у Ҳап-

ЯХШИЛИККА БАХШИДА УМР

рин қишлоғидаги мўъжазгина мактабда директорлик қиларди. Қаергадир хашарга шошилаётгани боис узр айтиб кетганидан кейин, уни яқиндан биладиган ҳамқишлоқлари Қоплон аканинг зиёлилиги, ишбилармонлиги, энг муҳими, элпарварлиги хусусида жўшиб сўзлаб беришди.

Ҳамиша қандайдир зарил юмушлар билан елиб-югуриб юрадиган бу инсон билан кейин ҳам кўп бора кўришдик, дардлашдик. Шу орада у Нуробод туман миқёсидаги турли масъулиятли вазифаларда ҳам хизмат қилди. Лекин барибир ўзи тугилиб ўсган ота юртидан узилиб кетмади.

Уни қачон кўрган бўлсам, бирор марта ўзи ёки оиласига дахлдор ташвишлар билан югуриб юрганини айтмас, балки қишлоғидаги сел бузиб кетган кўприкни тиклаш ёхуд 63-мактабга тоғдаги булоқлардан тоза ичимлик суви олиб келишдек машаққатли ишларга бош-қош бўлиб юргани ҳақида куюниб сўзларди.

Тўрт йилча аввал пойтахтда кўришиб қолдик. Жомдаги янги қурилган педагогика коллежига раҳбарлик қилаётган экан. "Бир замонлар кимнинг тушига кирувди, қишлоқ жойларида ана шундай мухташам ўкув даргоҳлари қурилади, деб. Баъзан коллежимиз катта йўл устида бўлганлиги учун турли ҳудудлардан келиб-кетаётган меҳмонлар атай ичкарига кириб томоша қилиб кетишди.

Яқинда, ҳалиги, халқаро йўналишлар бўйича қатнайидиган машиналар бор-ку, шуларнинг биттаси шу ерда бузилиб қолиб, ҳайдовчиси билан, ўзим тил билмайман, аввалига бир коса булоқ сувидан тутқазиб, имо-ишора орқали гаплашдик. Кейин ўқувчиларимдан бирини чақирдим. Кўриб кўзларимга ишонмайман, ҳалиги қизимиз инглиз тилида шунақа бийрон гаплашатики, ўзим меҳмоннинг олдида бугунги ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан нақадар илгариллаб кетганига ғурурланиб кетдим", дея Қоплон ака фахрланиб гапирди. Ўшанда у коллеж бунёд бўлган ерга хув Жомнинг тепа қисми, яъни Омондардан тушган булоқ сувини уч чақиримча масофадан олиб келганини ва яна бир қанча савобли ишларни бошлаб кўйганини айтганди...

Тақдир экан-да, 2013 йилнинг январда жонқуяр устоз, Халқ таълими аълочиси, Қоплон Худоёров 56 ёшида дунёдан ўтди. "Ўша кун ишонасизми, қишнинг қаҳратон совуғига қарамай, элманфаати, эзгулик йўлида умрини бахшида этган фидойи инсонни сўнгги йўлга кузатиш учун келган одамларнинг хисоби йўқ эди", дейди адиб, журналист Нормўйин Очилов.

Дарвоқе, тириклигида ўз номини яхшилик деб аталмиш умр китобиға битиб кетган бу инсон ҳақида ҳали яна қанча ёруғ хотиралар ёзилажак.

Норқобил ЖАЛИЛ

Олий тоифали шифокор, акушер-гинеколог Шаҳзода БАҲОДИРОВА тавсиялари:

— Ҳомиланинг тушиши ёки эрта туғуруққа генетик омиллар, гармонлар муносиблигининг бузилиши, жинсий йўл билан юкучи инфекциялар, аборт, депрессия, носоғлом турмуш тарзи, TORCH инфекциялари, эрта турмуш ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳолатлари сабаб бўлади.

Қон таҳлилининг салбий кўрсаткичлари, эндокрин тизимининг бузилиши, жинсий органлардаги яллиғланишлар ҳамда бачадон бўйинчасининг етишмовчилигида

МУДДАТИДАН ОЛДИНГИ ТУҒУРУҚ

ёхуд ҳомиланинг тушиш сабаблари

Ҳомиланинг эрта тушиш хавфи туғилади.

Бунда нохушликдан аввал аёл қорнининг пастки қисми ва бел соҳасида оғрик, бачадоннинг қисқариши, тез-тез пешоб чиқариш, сув кетиши, қиндан пушти ранг ажралма ёки қон келиши, ҳомиланинг суст ҳаракатланиши ёки бутунлай қимирламай қўйиши каби аломатларни сезади. Бундай ҳолларда бўлгуси оналар ўтиб кетар, деб бепарво бўлмай, зудлик билан шифокор кўригига бориши, маслаҳат олиши, лозим бўлса, туғуруқхонада даволаниши керак.

Агар аёлда жинсий йўл билан юкучи юкумли касалликлар бўлса, улар йўлдош фаолиятига таъсир этиб, унинг қобиғи ва ҳомилани ўраб турувчи сувнинг ифлосланишига сабаб бўлади.

Туғуруқ муддатини сақламай, қисқа фурсатда кетма-кет фарзандлик бўлаётганлар ҳамда 40 ёшдан ошган аёлларда ҳам эрта туғуруқ ва ҳомиланинг нобуд бўлиши эҳтимоли кучаяди.

Ёш она газли ичимликлар ичиши, синтетик матолардан тикилган тор кийимлар, баланд пошналар пойабзаллар кийиши, иссиқ ванна қабул қилиши, яхши пиймаган гўшт, қайнатилмаган сут, аччиқ, шўр ва ўта ёғли таомлар ейиши натижасида ҳам ўзи билмаган ҳолда ҳомиласига озор бериб қўйиши мумкин. Бу даврдаги гормонал фон-

2014 йил — Соғлом бола йили

нинг ўзгариши кўпинча соч ва тери тўқималари билан боғлиқ бўлгани сабабли ҳомилдор аёлларга сочларини кимёвий воситалар билан бўяш тавсия этилмайди.

Ҳомиланинг соғ-саломат туғилишида нафақат онанинг, балки эркекларнинг саломатлиги ҳам жуда муҳим. Афсуски, кўпчилик оталар шифокор кўригидан ўтиш у ёқда турсин, ҳатто саломатликларидан нуқсонлар бўлиши

мумкинлиги ҳақида ўйлашни ҳам хошлашмайди. Бунинг натижасида кашандаликка муккасидан кетган, уруғ ёки қон таҳ-

лилида инфекциялар мавжуд эркеклар ўз зурриёдининг саломатлигига жиддий хавф солишади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, фарзанднинг соғлом туғилишида отасининг ёши ҳам муҳим ўрин тутар экан. Тугма нуқсонларга олиб келиши мумкин бўлган хромасома бузилишлари аёлларда 35, эркекларда эса 40 ёшдан кейин кузатилади.

Боланинг соғлом туғилишига эришиш учун оилавий поликлиника ёки қишлоқ врачлик пунктида ҳомилдор аёллар рўйхатга олиниб, барча текширувлар ўтказилгач, гинеколог бўлгуси онанинг парвариши юзасидан кўрсатмалар беради. Ҳомилдорлик даври ҳақида кенгроқ маълумот олишлари учун махсус буклетлар тарқатилади. Аёл ўзидagi ўзгаришларни кузатиб бориши учун ҳомилдорлик картаси берилади. Бу пайтда аёлнинг табиий махсулотлар билан озиқланиши, имкон қадар дори воситаларидан камроқ фойдаланиб, фақатгина зарурий витаминларнигина ичишига эришилади.

Аёллар шифокор кўрсатмаларига тўлиқ амал қилишса, юқоридagi нохуш ҳолатларнинг олди олинади ва соғлом фарзандлар туғилишига эришилади.

**“Оила ва жамият” мухбири
Барно МИРЗААХМЕДОВА
ёзиб олди.**

ҲОИДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Кўл териси ўта таъсирчан бўлиб, юз терисига нисбатан 10 баробар тезроқ қарийди. Шу боис уй юмушларини бажарётганнингизда махсус кўлқоплар кийиб олинг. Совуқ ёки иссиқ сувда кўлларни ювгач, юмшатувчи кремлардан суришни унутманг.

Аёлларимиз учун катта сумкалар ҳали ҳам урфда. Айниқса, кизил, қўқ ва қаймоқранг сумкалар баҳор ҳамда ёзда жуда чиройли кўринади.

Пардоз қилаётганда кўз устки қовоқларига қуюқроқ қалам тортиб, кўз остини очроқ рангда бўяшга эътибор беринг.

Мутахассислар ҳомилдор ва анемия касаллигига чалинган беморларга ўрик меvasидан кўпроқ истеъмол қилишни тавсия этишади.

Шифокорларнинг таъкидлашича, узоқ вақт компьютерда ишловчи ёки ёруғликка ўта таъсирчан бўлган кишилар ҳафтада бир марта жигар ейишлари керак экан.

Болаларга ҳаддан ташқари кўпол муомалада бўлиш кейинчалик уларнинг руҳий касалликларга мойиллигини кўпайтириши мумкин.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



ЭЛЕКТР ЧОЙНАКЛАР

Биз учун беминнат дастурга айланган замонавий электр чойнаклардан ҳозирда нафақат ошхонада, балки офисларда, корхона ва ташкилотларда, ҳатто қурилишларда ҳам кенг фойдаланиб келинмоқда. Уларнинг тури шу қадар кўпки, қай бирини танлашни билмай қолсан, киши. “Электр чойнакнинг сифатини қандай аниқлаш мумкин?”, деган саволга эса тез-тез дуч келамиз.

— Дўконларда очик иситтичли, ёпиқ иситтичли электр чойнаклар ва термос-choйнакларни учратиш мумкин, — дейди хусусий тадбиркор Бобур Саидкомилхўжаев. — Очик иситтичли чойнакларнинг сув қайнатиб берувчи спиралли қопқоқ очилганда дарҳол кўзга ташланади. Уларнинг спиралли хромланган ёки зангламайдиган пўлатдан тайёрланади. Айрим электр чойнакларнинг спиралли титан нитриди билан қопланади. Бундай чойнакларда сув ёпиқ иситтичли чойнакларга нисбатан секинроқ қайнайди. Ушбу турдаги электр чойнакка ярим литрдан кам сув солиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда спиралли қуйиб қолиши мумкин. Иложи борица “мах” кўрсаткичигача сув солиб қайнатган маъқул. Сув бу кўрсаткичдан ошганида спиралда сув қолдиги пайдо бўлади. Уни махсус тозалаш воситаси ёрдамида (рўзғор буюмлари дўконларидан харид қилиш мумкин) кетказиш мумкин.

Ёпиқ иситтичли электр чойнакларнинг бошқа турдаги чойнаклардан фарқи шундаки, унинг ажраткичи четда эмас, балки ўртасида жойлашган. Спиралли ёпиқ ҳолда, юпка металл қоплама остига ўрнатилади. Шунинг учун ҳам у очик спиралли электр чойнакдан кўра кўпроқ хизмат қилади. Бундан ташқари у ичига қолдиқ йиғмайди. Тозалаш ҳам осон. Ёпиқ спиралли электр чойнакларнинг қуввати бошқаларникига нисбатан юқорироқ бўлади.

Термопот (термос) чойнак термос ва электр чойнакнинг уйғунлашгани бўлиб, унда сув қайнагач, кун давомида 100 даражагача иссиқликда сақланиб туради. Шу хусусияти билан бошқа электр чойнаклардан фарқланади. Сув бошқа чойнаклардан кўра, бир неча марта тез қайнайди. Бу эса электр қувватини бир мунча тежайди.

Электр чойнакларнинг устки қисми шийша, пластмасса ва темирдан кўзасимон ва “пингвин чойнак”лар шаклида ясалади. Мутахассисларнинг фикрича, “пингвин чойнак”лардан пиёлага ёки чашкага сув қуйиш жуда қулай.

Сифатли электр чойнаклар аксарият ҳолларда 1.5, 1.6, 1.7, 1.8 литргача сизимли бўлади. 1.9 ва 2.0 литр сизимли чойнаклар кўпинча қалбаки бўлиб чиқади. Металл кўринишидаги электр чойнакнинг афзаллиги шундаки, ундан узоқ вақт фойдаланилади. Ушбу турдаги электр чойнакни харид қилаётганда ичидида пластик қопламаси борлигига амин бўлиш керак. Акс ҳолда чойнак кўлни куйдириши мумкин. Қопқоғи қулай, каттагина, маҳкам ўрнатилган ва хавфсиз бўлмоғи лозим. Ювганда қийналмаслик учун қопқоғи осон очилиб-ёпилишига аҳамият бериш керак.

Бундай чойнакларни сотиб олаётганда уйдаги электр тармоғининг қай даражадаллиги ҳам ҳисобга олинади. Чунки у юқори қувватда ишлайдиган анжомларга дош бера олмаслиги мумкин. Электр чойнакда сувнинг қанчалик тез қайнаши унинг ишлаш қувватига боғлиқ. Бугунги кунда дўконларда 1000 ВТдан 3000 ВТгача қувватга эга электр чойнаклар савдога чиқарилмоқда.

Электр чойнакларни харид қилаётганда, энг аввало унинг сифатли материалдан тайёрлангани, ишлаб чиқарувчи томонидан қўйилган қафолат муддатига эътибор қаратиш лозим. Сифатсиз пластмасса ёки металлдан ишланган электр чойнаклар биров арзон нархда бўлиши ҳам мумкин, аммо ўзидан ёқимсиз таъм чиқаради ва соғлиқ учун зарарли ҳисобланади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.



РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйдаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 оий ўқиш, 2 оий амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансча).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирнок, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛОН!

Саъдий Сайёра Саидзода номига 26.07.2013 йилда берилган серия рақами О'zR № 002741 рақамли шаҳар транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ҳамидов Тохир Маҳмудович номига расмийлаштирилган Шайхонтоҳур тумани Алихонтўра Соғуний (собик Колхозные) кўчаси, 6-уйнинг режаси ва 1984 йилда чиқарилган суднинг қарори йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўн икки яшар пайтимда ота-онам туппа-тузук ишлаётган ишини ташлаб, чет элга жўнаб кетишди. Мен кекса бувимнинг тарбиясида қолдим. Бир йилдан сўнг улар бизга пул юбора бошлашди. Бувим кўнгли ўксимасин деб айтганимни муҳайё қиларди. Аммо мен онам ёнимда бўлишни хоҳлардим. Ўз ота-онаси билан бирга яшаётган тенгқурларимга ҳам ҳавасим, ҳам гайрилигим келарди. Улғайганим сари кўчада ҳар хил дўстлар орттирдим. Бувимни алдаб, унга-бунга дея бахоналар қилиб пул олардим. Эрталаб мактабга кетаяпман деб чиқардим аммо кун бўйи вақтимни бўлар-бўлмас жойларда ўтказардим. Ўқитувчиларимдан шикоят эшитган бувим мени койганида кечгача хонамга қамалиб олиб эшик ортида уни ялинтирдим. Ниҳоят, шу ҳаётимга кўникдим ва бу менга ёқа бошлади. Бир куни кўчада дўстларим “Қанча пулинг бор?” деб сўрашди. Чўнтагимдагини санадим, етмаганини улар қўшишди. “Ҳозир зўр жойга бора-миз, мана кўрасан, зўр дам оласан”, деди улардан бири. Ўшанда биринчи марта... героиндан татиб кўрдим. Лекин бу улар мақтаганчалик мазза эмасди, аммо шу бир мартадаёқ унга ўрганиб қолдим ва 17 ёшимда гиёҳвандга айландим...

Энди бувим берадиган пуллар менга етмасди, ўша матоҳнинг нархи олдида урвоқ ҳам бўлмасди. Ўғирлик қилиб пул топишдан бошқа чорам йўқ, деб билдим. Ана шундай жиноятларимнинг бирида кўлга тушдим. Хуллас, мени Наркология диспансерига даволанишга ётқизишди. Кечикибман, тиббий таҳлиллар натижасида менда ОИВ инфекцияси борлиги ҳам аниқланди. Ота-онам чет элдан қайтиб келишди. Аммо энди буни менга қизиги йўқ. Биаламан, бу билан аввалги ҳаётимга қайта олмайман, келажаким эса...

Мурод (исми ўзгартирилган).

Мутахассисларнинг таъкидлашича, “Аср вабоси” номини олган гиёҳвандлик асосан 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшларни қизиқтириб, ўз домига тортар экан. Бу иллатнинг домига тушиш эса аслида айни ёшлик палласида ҳаёт гўзаллигининг ёвузлик кўланкаси билан қопланиши демасди. Бу кўланка ўзига эътиборсиз қолган бўш жойни қидиради. Фарзандлар тарбияси билан нафақат оилада, балки маҳалла, ўқув муассасаларида, кенг жамоатчилик ҳамжиҳатликда машғул экани уларни бундай иллатлардан асраб-авайлашга ҳам хизмат қилади. Бу ўринда тарғибот ишлари, хусусан, гиёҳвандликнинг оғир оқибатлари, бирор кимда унга ружу қўйишнинг илк белгилари, турли иллатларнинг олдини олиш ҳақида аҳолининг хабардорлик даражаси ҳам муҳим ўрин тутди.

Шу маънода мутахассисларнинг куйидаги фикр-мулоҳазалари муҳлисларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Зафар АТАБАЕВ, Тошкент шаҳар наркология диспансерининг нарколог шифокори:

— Гиёҳвандликка ружу қўйишнинг психологик, биологик ва ижтимоий сабаблари фарқланади. Биологик деганимизда инсоннинг соғлиги, унинг қандай касалликларга чалинганлиги, шу билан бирга, стрессларга қарши туролмаслик каби омиллар назарда тутилади. Бундай иллатга берилиб қолиш гиёҳванд кишиларда турли шаклда юзага келади. Бундан ташқари иродаси бўш, ўз шахсий фикрига эга бўлмаган, руҳий инфантил (ёшига нисбатан мос шакланмаган, масалан, 17-18 ёш бўлсада, фикрлаши тор, ёш боладай бўлиб юрадиган) ёки энгилтабиат, ҳамма нарса ҳақида калта ўйлайдиган, қийинчиликлардан кўркувчи, меҳнатдан қочишга одатланганлар ҳам бу ҳол учрайди.

Шунингдек, ёш боланинг хатти-ҳаракатида, руҳиятидаги бирон-бир гайритабиий ўзгаришлар ёки унда туғуруқ жароҳат (травма) лари, болалигида оғир юқумли касалликларга чалинган бўлса, бу кейинчалик унинг руҳиятига маълум даражада таъсир ўтказади. Фарзандида ана шу ўзгаришларни сезган ота-оналар гўдақлигиданоқ уни, албатта мутахассисга кўрсатиш лозим.

Бу иллатга мубтало бўлганларнинг аксарияти гиёҳванд моддаларнинг наша, героин, қора дори каби турларидан истеъмол қилганлиги аниқланган. Одам наша чекканида унда сергаплик, бўлар-бўлмасга кулавериш, оғиз қуриши, иштаҳанинг бирдан очилиб кетиш аломатлари кузатилади. Аммо, бу баъзида бошқача тус олиши ҳам мумкин. Айримлари чеккан пайтида камгап, алоҳида хонага кириб олиб ёлғизликни хоҳлайдиган бўлиб қолади. Бундан ташқари, кўзалари қизариб, қорачиклари кенгайди. Кайфи борлиги шундоқ кўриниб туради-ю, аммо спиртли ичимлик хида келмайди. Героин

КЕЧИККАНДАН ИЛЛАТ КЕЧМАЙДИ

Зиёфатда... болага сигарет, ароқ олиб келишни буюриш уни нимага ўргатади?



истеъмол қилган киши “тормозланиб” қолади, кўз қорачиклари торайиб ёруғликка реакция бермай қўяди. Тили бир оз тутилиб гапирди, уйқусирайди, узок вақт гаплашиб ўтирса, кўзи кетиб қолаверади. Шунингдек, ичи қотиши туфайли хожатхонада узок қолиб кетиш одати пайдо бўлади. Қабул қилмаганда эса, аксинча, кўз қорачиклари бирдан кенгайиб кетиши, уйқусининг бузилиши, жадлдор, асабий бўлиши, бурун оқиши, кўз ёшлаши, тинмай аксириши мумкин. Истеъмол қилгиси келганида жисмон қаттиқ қийналади, баданлари қақшаб оғрийди, бунинг устига уни тез-тез ич кетиш безовта қилади. Четдан қараганда у худди гриппга чалинган беморга ўхшайди. Масалан, тушунмаган одамга “грипп бўлдим”, деб ёлгон гапиршади-да, “дори” қабул қилгач, бу асоратлардан асар ҳам қолмайди (вақтинча, албатта). Ваҳолаки, грипп бир ҳафта, ўн кун атрофида тузаладиган касалликдир. Бу иллатга берилганлар ҳаётга бефарқ, ҳеч нарсага қизиқмайдиган, қарашлари маъносиз бўлади. Инекцион шаклда истеъмол қилувчиларнинг вена томирлари кўкариб бўртган бўлади.

Республикамиздаги наркология диспансерларида беморларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади, дори-дармонлар, озиқ-овқатлар ҳам бепулдир. Мазкур шифохоналарда улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерга ўз хоҳиши билан келган беморлар, агар исташса, расман рўйхатдан ўтмай даволанишлари ҳам мумкин.

Наргиза БОБОЖОНОВА, нарколог шифокор:

— Гиёҳванд модда организмга тушиши билан танада унга тобелик бошланади. Шу сабабли бундай кишилар ҳам руҳий, ҳам жисмоний азобланишади. Шундай моддаларни истеъмол қилиш жараёнида инсон деградация даражасига бо-

риб қолади, яъни одам психикасининг орқага сурилиши юзага келади, у ўзидаги инсонийлик қиёфасини йўқота бошлайди. Афсуски, гиёҳванд ота-онадан ногирон болалар дунёга келади. Ёки ногирон бўлмаган тақдирда ҳам унда руҳий ва ақлий ривожланишда орқада қолиш ҳолатлари кузатилади, бошқаларга нисбатан тажовузкор, жиноят қилишга мойил бўлиб ўсади. Афсуски, уларнинг аксарияти кейинчалик ота-онасининг хатоларини такрорлашади.

Гиёҳванд моддани инекция ёрдамида қабул қилган кишиларда рибитлар, яъни қон томирларининг яллиғланиши учрайди. Шу сабабли шифокорлар айрим беморларни даволаш жараёнида, хатто кўл-оёғини кесишга ҳам мажбур бўлишади. Гиёҳванд бўлиб қолганлар кўпинча ОИТС, гепатит С, Б каби юқумли ва ўта оғир касалликларни орттириб олишади.

Бу иллат домидан қутулиш учун аввало беморда истак бўлиши, у ўзини ўзи бунга тайёрлаши лозим. Бундай пайтда ён-атрофдагилар ҳам уни уришмасдан, кўрқитиш йўлига ўтмасдан, балки тушунтириш орқали ёрдам беришлари зарур.

Шу ўринда ҳар бир ота-она ишдан уйга қайтганида фарзандига вақт ажратиб, унинг кунни қандай ўтказганлигига эътиборли бўлиши кераклигини айтиш жоиз. Боланинг қизиқишларини билиш ва бу йўлда нимагадир эришишга кўмаклашиш даркор. Бир воқеани мисол келтирмакчиман.

Бир киши ҳар куни эрталабдан кечгача ишда бўлар, кечқурун ҳам уйда ўз ташвишлари билан андармон эди. Ўғли эса отаси билан гаплашгани, ўз қизиқликлари ҳақида суҳбатлашгани келарди. Аммо энди оғиз жуфтлади дегунча дадаси: “Бор, ўғлим, ҳозир иш қиляпман, кейин гаплашамиз”, дейишдан

М а в з у

нарига ўтмаган. Ахийри ўғли ўйлаб кўриб бир қарорга келади. У ҳар куни дадаси тушлик қилишга берадиган пулини ййгаверади. Ниҳоят отасидан: “Бир кунда ишлаб топадиган пулингиз қанча”, деб сўрайди. У киши яна ишдан бош кўтармасдан: “Эллик минг сўмча чикар, ўғлим”, дебди. Шунда ўғли чўнтагидан пул чиқариб узатаркан: “Мана, дада, сизга эллик минг сўм, энди бир кунингизни менга ажратинг, менинг сиз билан гаплашадиган гапларим бор”, дебди ҳайрон бўлиб турган отасига қараб...

Айтмоқчиманки, бола ҳамиша эътиборталаб бўлади ва унинг бу талаби, саволлари жавобсиз қолмаслиги керак.

Ҳаётжон ХОЛМАТОВ, Тошкент шаҳар Олмасор туман ички ишлар бошқармаси ХООБ катта инспектори, майор:

— Гиёҳвандликка ружу қўйганлар, одатда, турли жиноятларга қўл уришдан тап тортишмайди. Негаки, захри котилни ҳар куни қабул қилиш учун катта микдорда пул керак бўлади. Улар ўз уйдан турли хил буюмларни олиб чиқиб сотишдан асло ийманмишмайди, ота-онасининг, яқинларининг пулларини ўғирлашади. Бундан ташқари, ўғирлик, боқинчилик, талончилик, хатто баъзан одам ўлдирish жиноятларини ҳам содир этадилар.

Ички ишлар тизими ходимлари томонидан гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Умумтаълим мактабларида, академик лицейларда, касб-хунар коллежларида ёшлар билан юзма-юз мулоқотлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда бундай иллатларнинг салбий оқибатларини акс эттирувчи видео лавҳалар ҳамда фильм намойиш этилиб, ёшлар онгига гиёҳвандликка қарши тасаввур пайдо қилишга, ҳаёт аталмиш бебахо неъматни қадрлаш ҳиссини мустаҳкамлашга интиляямиз.

Озода МАТЧОНОВА, Олмасор туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори:

— Оила тарбияси, ота-онанинг маънавияти, турмуш тарзи, қандай касалликлар билан оғригани, спиртли ичимлик ёки гиёҳванд моддалардан истеъмол қилиш-қилмаслиги, оила тўлиқ ёки тўлиқ эмасми — бу каби жиҳатларнинг талабга жавоб бермаслиги фарзандларнинг йўлдан адашишига ва бундай иллатга гирифторм бўлишига олиб келади. Уйда бўлар-бўлмагача бир хил ўтиришлар, зиёфатлар ўтказилиши, ичкиликбозлик қилиниши, ёш болага сигарет, нос, спиртли ичимликларни олиб келишни буюравериш ҳам унинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Чунки буларни олиб келётганида болада ундан ўзи ҳам татиб кўриш истаги пайдо бўла бошлайди.

Баъзи болаларда бошқача бир қизиқувчанлик бўлади, фақат бу қизиқувчанлик илмга, меҳнатга эмас, бирор кайф қиладиган ҳолатга тушишга нисбатан дор, бошқача айтганда, у ўзгача ҳолатни ўзида ҳис қилгиси келади. Бундай кайфиятдаги бола агар гиёҳванд одамлар орасига тушиб қолса, у осонгина уларга эргашади. Оилада тарбия тўғри йўналишда олиб борилганда эса ундаги бу кечинманнинг юзага келиши фойзи ниҳоятда пасайиб кетади.

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақлда бирор бир ўғил-қиз эътиборимиздан четда қолмаслиги мазмуни ҳам ақл этган. Зеро, ёшларнинг тарбияси, соғлом ўсишлари, уларнинг маънавиятини тўғри шакллантириш, асраб-авайлашга ҳар биримиз масъулумиз.

Гулноза БОБОЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.



ҲАШАРОТЛАР КИМГА ДЎСТ?

Ҳали ёзга бироз вақт бор, аммо аллақачон бу ҳароратда "яйраётган" ҳашаротлар асабимизга тега бошлади. Бироқ, кишилиқ жамиятида уларни қадрлайдиганлар ҳам кўп экан. Ҳатто, ҳашаротларга бағишланган махсус ҳафталик ўтказиб туришлари-га нима дейсиз?... Қолаверса, бундай ҳафталик ташкилотчилари оддий одамлар эмас, ўз соҳасида етуқ олимлардир.

Ҳашаротлар ҳафталиги илк бор 2004 йил июнда Британия Қироллиги қошидаги энтомология, яъни ҳашаротшунослик жамияти томонидан Лондондаги табиат тарихи музейида ўтказилган эди. Ҳафталикнинг мақса-



ди кўпчилик душман назари билан қарайдиган, аслида эса одамзотга баъзан катта манфаати тегадиган митти "дўстларимиз"га бўлган эътибор ва аҳамиятини кучайтириш эди.

Тўғри, чивинлардан, сувараклар, пашшалардан баъзан безор бўлиб кетамиз. Албатта, қақадиган, турли хил касалликлар олиб келадиган, ўсимликларга қирғин келтирадиган зараркундаларга қарши курашиш керак. Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор.

Агар ҳашаротлар бўлмаганда эди, ер юзиде бирор гул ўсмаган, мева ва сабзавотлар етишмаган бўларди. Чунки ҳашаротлар нафақат ўсимликларни чанглатишда иштирок этишади, балки, наботот униб-ўсиши учун қулай шароит таъминлаб, барча ўлак-са ва чиқиндиларни қайта ишлаб берадилар. Чумолилар устида тадқиқот олиб борган энтомолог Эдвард Уилсон (Edward Wilson) "Ранг-баранг ҳаёт" (The Diversity of Life) китобида шуларни ёзади: "Агар барча ҳашаротлар ва бўғимовқиллар қирилиб кетса, инсоният ерда бир неча ой ҳам яшай олмайдими..."

Ҳужғон ўйнаётган пашшалардан ҳайвонлар у қадр безовта бўлишмайди. Бунинг сабабини шифокорлар кашф этганига анча бўлган. Биринчи жаҳон урушида шифокор Уильям Байер қабулига жанг майдонида бир неча кун қолиб кетган икки аскарни келтиришади. Уларнинг кийимлари ечилганда, таналаридаги яра жойларида минглаб пашша куртлари кўринади. Шу билан бирга, шифокорни ярадаги тўқималар соғлом, тоза ва пушти рангда эканлиги ҳайратда қолдиради.

Қаранг, хунук манзаралар ортида гўзал ҳаёт борлиги ақлни доғ қиладди. Ҳа, табиатда ҳеч бир мавжудлик ҳикматсиз эмас.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.



ОТАМГА ДАРДКАШ КЕРАК

— Тошкент вилоятидан келдим. Онам оламдан ўтгач, отам ёлғизланиб қолди. Қариндошлар билан маслаҳатлашиб, турмуши бузилган, бефарзанд бир аёлга отамни уйлантирдик ва ҳовли четидаги икки хонали уйни уларга ажратиб бердик. Орадан олти-етти ой ўтиб, ўғай онам билан отам тез-тез жанжаллашадиган бўлишди. Сабабини сўрасак, ҳалиги аёл ҳовлининг ярмини унинг номига ўтказиб беришимизни талаб қилаётган экан. Бу шартни ака-укалар рад этишгач, ўртада келишмовчилик бошланди. Можарога маҳалла фаоллари ҳам аралашиб, муросага келтиришга уриниб кўришди. Аммо у "улушимни ажратиб берсаларинг отангиз билан яшайман, бўлмаса йўқ", деб гапида туриб олди. Қизимнинг бўйи етиб, совчилар эшигимизни тақиллатиб турган пайтда бу ғавғолар ҳаммамизни эсанкиратиб қўйди.

Тўғри, кекса одамнинг кўнглига йўл топиш, уни парваришlash осон эмас. У аёлни ҳам тушунаман. Аммо ниятига етиш учун бироз шошиб қолгани бизни уйлантириб қўйди. Меҳр темирни эритар, қаҳр тошни ёрар, деб беҳиз айтишмаган. Агар отамга меҳр билан қараб, ҳурматини қозонганида опа-укалар келишиб, туман марказидан уй-жой қилиб бермоқчи эдик. Афсуски, можарога бу аёлнинг ака-укалари ҳам аралашгач, отам унинг жавобини бериб юборди.

Отамнинг ёши 62 да. Унга ҳамсуҳбат, ҳаммаслак аёл керак. "Оила ва жамият" газетасининг 3-сониде чоп этилган, "Қизим тинч, ўзим эса..." номли мақолани ўқиб, бухоролик Назира аянинг телефон рақамини берарсизлар деган умидда, отамнинг ҳужжатларини олиб келгандим.

ЖУМАНАЗАР,
Тошкент вилояти.

УМИДИМ КЎП

Мен ҳам бошқа қизлар қатори бир дунё орзу-умидлар билан турмушга чиққандим. Отам оламдан ўтгач, онам уч қизни ўзи катта қилди. Отасиз, ўқиб улғайганим учун бировларнинг дилига озор беришдан чўчирдим. Афсус, пешонамга ўғай она қўлига келин бўлиб бориш, ёзилган экан. Турмуш ўртоғим оилада тўнғич фарзанд бўлгани учун рўзгорнинг барча кам-қўстлари унинг бўйнида эди. Овсин олганимиздан сўнг, шаҳар марказидан бир хонали ижара уй топиб, кўчиб ўтишга мажбур бўлдик. Қайнотам кичик қайнукамни ҳам бизларга қўшиб юборди. Уни мактабга жойлаштирдик. Бу орада турмушга чиққан қайсинглимнинг ҳўжайини хорижга ишлагани кетиб, у ҳам қайнона-қайнотаси билан келишолмай, икки боласи билан бизниқига кўчиб ўтди. Мен ҳомиладорлик таътилида бўлганим учун фақат турмуш ўртоғимнинг ўзи ишлар, толган маоши рўзгорга аранг етарди. Аксига олиб қайсинглимнинг ҳўжайини бир сўм пул юбормас, унинг болаларини едириб-ичириш, касал бўлса даволатиш ҳам бизнинг бўйнимизда эди. Бу орада қон босимим ошиб, шифохонага тушиб қолдим. Саломатлигим яхши бўлмагани боис сўтим қочиб, кенжотойим тез касалланадиган бўлиб қолди. Рўзгордаги етишмовчиликлар натижасида эрим иккимизнинг ўртаимизда уриш-жанжал кўпайиб, орага совуқчилик тушди. Уйдаги тортишувлардан безган ҳўжайиним ичкиликка муккасидан кетди. Биз билан иши бўлмай қолди. Аксининг тинчгина оиласини бузган сингли эса томошабинга айланди. Ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, бировга озор берадиганларга қарши курашишга виждоним ҳам, соғлигим ҳам йўл бермагач, ажралишга қарор қилдим. Ёшим 27 да. Онаминг кўнглини бузма, умидингни узма, болам, ҳали яхши кунларинг олдинда деган сўзларига амал қилиб, сизларга мактуб юбораялман. 35 ёшгача бўлган, уй-жойи, касб-кори тайин эркак бўлса, танишиб, оила қуриш ниятидаман.

ГУЛСАНАМ,
Самарқанд вилояти.

ПУЛ КЎНГИЛНИ АСРОЛМАС ЭКАН

Ёшлигимда автоҳалокатга учраб, ўнг оёғимдан жароҳат олганман. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Синфдошим Чарос нуқсоним борлигига қарамай, менга турмушга чиққанидан жуда бахтиёр эдим. Ота-онам баҳоли қудрат, бизга алоҳида уй-жой қилиб беришди. Мен ишга жойлашдим. Аммо рўзгордан ортиниб, хотинимга истаганидек кийим-бош, уй-рўзгор анжомларини сотиб олишга имконим етмасди. Қайнонам хорижда ишларди. Ёзда уйга қайтганида Чаросни кўриб, рангинг анча олинди, озиб-тўзиб кетибсан, бизниқига кўчиб ўтинглр, сингилларингга қараб, яхши еб-ичиб ўтирасан, деб қолди. Мен эса ичкүёв бўлишни истамадим. Қайнонам бир яшар гўдагимни кўкрақдан айириб, Чаросни ҳам хорижга ўзининг ёнига боришга ундади. Қаршилиқ қилишимга қарамай, аёлим энгил ҳаётни кўзлаб, ўғлимни сингилларига ташлади-ю, онасининг ортидан жўнаб кетди. Шу кетганича икки йил деганда қайтди. Унинг ўзини тутиши, кийиниши анча ўзгарган, мен учун бегона бир аёлга айланганди. Хорижда ортирган пуллариға уйни тазмирлатиб, қайтиб кетмоқчи бўлганида, "Агар кетсанг, ажрашамиз", дедим. Синаш учун айтган бу таклифимга у дарров розилик билдирди. Пул бўлса чангалида шўрва қайнатадиган аёл билан қонуний ажрашдим. Ёшим 29 да. Иймон-эътиқодли, уйим-жойим дейдиган, менинг топган-тутганимга сабр-қаноат қилиб яшайдиган аёл бўлса, овоз берсин.

МУРОД,
Андижон вилояти.

СОДАЛИКМИ, СОХТАЛИК?

— Сурхондарё вилоятидан кўнғирок қиялпман. Исмим Тоштемир. Аёлим оламдан ўтганига уч йил бўлди. Ёшим 64 да. Маҳалла фаолиман. "Оила ва жамият" газетасининг 13-сонидеги "Кексалиқда ёлғизлик ёмон" мақоласи муаллифи Мухаррам исмли аёл билан танишмоқчиман. Мумкин бўлса, унинг телефон рақамини берсангиз.

— Ая билан танишиш учун тахририятга паспортингизнинг нусхаси, маҳалладан ҳамда оилавий поликлиника ёки ҚВПдан тиббий маълумотнома ва рафиқангизнинг ўлими ҳақидаги гувоҳноманинг нусхасини тақдим этишингиз керак.

— Шунақама, бундан беҳабар эдим-а. Менга ишонсангиз бўлади, уялтириб қўймайман. Тўғриси айтсам, сиз айтаётган ҳужжатларни қаерга қўйганимни билмайман-ку! Бу қоғозларни олгунимча Мухаррам билан кўнғироқлашиб турсак бўлмайдимми?..

Очиғи, бизга кўнғирок қилган маҳалла фаолининг бундай "содаллиқ"га шубҳа қилдик ва ая ҳақидаги маълумотларни тақдим этмадик.

КУЁВНИНГ «ОЛА»СИ...

Турмуш ўртоғим оламдан ўтгач, ёлғиз қизимнинг келажагини ўйлаб, бошқа рўзгор қилмадим. Уни ўқитиб, турмушга узатдим. Тўйдан сўнг куёвим билан қизим кўярда-қўймай, мени ўзларининг уйига кўчириб ўтказишди. Невараларимни тарбияси билан машғул бўлиб, ёлғизлигим сезилмай юрган кунларим куёвнинг синглиси ҳам икки боласи билан аразлаб келиб қолди. Жим оқар сув тўғон бузар деганларидек, шу кунгача индамай юрган куёв қизимни турткилашга тушди. Қизимнинг тинчини ўйлаб, охири яна ўз уйимга қайтиб келдим. Аммо ёлғиз қолган кишининг кўнгли ўйга тўймай, экан. Яқинда бир таниш аёл хотини оламдан ўтган укасига сўраб келди. Учрашдик, аммо унинг бир-биримизни яхшироқ билиш учун вақтинчалик яшаб кўрайлик, деган таклифини эшитиб, тўғриси, жудаям хафа бўлиб кетдим. Ёшим 50 да. Оилани муқаддас биладиган, ўз аёлининг шаънини ҳар нарсадан устун қўядиган инсон бўлса, турмушга чиқиб, умр йўллариде ҳамроҳ бўлиш ниятидаман.

АДИБА,
Тошкент шаҳри.

МИРТЕМИР

АГАР МЕН...


Эшиккўл этагида қадимги бир жанг-чининг қабрини топишибди. Кафанча олтин эмиш. Ханжари, этиги, қилчи, дубулгаси, энгил-боши, кўйинг-чи, косаси, тиеласигача кўйма олтин, тобути ҳам...

Бу бизнинг боболаримизнинг боболарига хос бурунги ер таги сағаналаридан. Номдор ва салтанат эгаларидан бирининг сағанаси. Қабр ичида устихонга боғлиқ ва ёнма-ён тўрт юзга яқин ўликка кераклиги кераксиз олтин буюм санашибди. Еттинчи асрга қадар кўмилган ўлик — саҳроий йиғит, жангчи. Ё ўн саккиз, ё йигирма уч йил умр кўрган, холос.

Агар мен мангулик уйқуга кетар кун бирон буюм ола кетиш эрки берила қолса... Не олиб кетаркиман? Энг аввал ҳовлимдаги оқ гулларнинг бир ҳовуч атри;

Кейин Халлимаҳоним авжида Навоий-

нинг ўша бир сатри;
Устоз Ойбек бермиш ўша бир қалам;
Олис гурбатлардан қайтганимда,
онамнинг қабрини тополмаганим важи-



дан суяк-суякларимга синган ўша қирқ йиллик алам;
Суйғулмининг тирноқ юзидеккина сурати ҳам;
Нозим Ҳикматнинг денгиз суваридай мовий кўзларидаги ўша мунг, ўша умқун,

Боқий мерос

бир сўз билан айтсам, унинг ҳаёлимдаги армонли сийрати ҳам;

Бир гужум Фарғона узуми;
Самарқанддаги йиғитлик базми;
Қозоқ қимизидан бир кўза;
Тошкент денгизидан бир кўза;
Ҳеч бўлмаса ўша Олатов яёловида қимиз ичган заранг коса;
Ўша унутилмас ўғринчи бўса;
Темур бобо сағанасидан ложувард ғишт синиғи;

Ўлганда ҳам отини аташим ножаўя бировнинг кўзларидаги тубсиз меҳрдан киприкчаси ва тиниғи;
Анджон адирларида битган гўзадан бир дўппи чаноқ ҳам...

Тагин нима? Бўлди шекилли. Йўқ, онамдан қолмиш ягона эсдалик — кичкина парқу болиш — тобутимда бошимга қўйилса-ю, ўша болиш тагида дафтарчам қўйилса...

Ўлгандан кейин бирон буюм олиб кетиш эрки берила, мен шуларнигина ола кетишни истар эдим. Лекин ҳали ўладиган тентак йўқ, гап шунда...



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ —
ЧОРАК ФИНАЛДА

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида бўлаётган Осиё чемпионатининг чорак финалига йўлланма олди.

Осиё футбол конфедерацияси шафелигида ўтказилаётган нуфузли мусобақада қитъамизнинг ўн олти давлати терма жамоаси тўрт гуруҳда голиблик учун куч синашмоқда. Қоидага кўра, ҳар бир гуруҳдан энг кучли иккитадан терма жамоа плей-офф босқичига йўлланма олиб, совринли ўринлар учун курашни давом эттиради.

Мусобақанинг "D" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки баҳсда Қирғизистон вакиллари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаган бўлса, иккинчи турда қитъамизнинг амалдаги чемпиони — Япония терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Сўнгги турда футболчиларимиз Жанубий Корея терма жамоасига қарши майдонга тушиб, 3:0 ҳисобида галаба қозонди.

Шу тарихида терма жамоамиз 7 очко жамғарган ҳолда гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўл олди. Энди ҳамюртларимиз ярим финалга чиқиш учун 7 май куни «С» гуруҳида 4 очко билан иккинчи ўринни эгаллаган Ливан футболчиларига қарши баҳс олиб боради.

«БУНЁДКОР» БУГУН
МАЙДОНГА ТУШАДИ

Кеча қитъамизнинг нуфузли мусобақаси бўлган Осиё Чемпионлар лигаси нимчорак финал учрашувларига старт берилди.



AFC CHAMPIONS LEAGUE

Саккизта жуфтликда жамоалар кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб боршади. Тўртта учрашув кеча бўлиб ўтди, қолган тўртта ўйин бугун давом эттирилади.

Хабарингиз бор, Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси бугун Саудия Арабистонининг «Ал-Хилол» клубига қарши майдонга чиқишади.

Ўйинга бўлган қизиқиш анча катта. Чунки «Ал-Хилол» қитъамизда обрўли жамоа саналади.

Мазкур беллашув Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида 18.00 да бошланади.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ПАСПОРТ
ҚАЧОНГАЧА АМАЛ ҚИЛАДИ?

Биометрик паспорт олишга ҳали улгурмаган фуқароларнинг амалдаги паспорти қайси вақтга қадар ҳақиқий ҳисобланади?

С. Уринова.

Президентимизнинг 2011 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида: «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома 2015 йил 31 декабргача ҳақиқийлиги» хусусида алоҳида қайд этилган.

КИМ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИГА ЭГА?

Боланинг ота-онаси турли миллатга мансуб бўлса, 16 ёшга етиб, у паспорт олаётганда паспортига ота-онасидан қай бирининг миллати ёзилишини ким танлайди ёки бошқа бирор тартиб белгиланганми?

Р.Хидиров.

Президентимизнинг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом»нинг 7-бандига асосан: «Паспортга фуқаронинг миллати тўғрисидаги ёзув унинг ота-онаси миллатига қараб киритилади. Агар фуқаронинг ота-онаси турли миллатга мансуб бўлса, биринчи марта паспорт берилганда паспорт олувчининг истагига кўра отаси ёки онасининг миллати ёзилади. Кейинчалик миллат тўғрисидаги ёзув фуқаронинг ёзма аризасига мувофиқ отаси ёки онасининг миллатига алмаштирилиши мумкин, ammo фақат бир марта ўзгартирилади.»

Саволларга Қибрай туман ИИБ
паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор
Даврон АБДУЛЛАЕВ жавоб берди.

ЖИНОЯТГА УНДАГАН БЎЛСА...

Вояга етмаганларга жазо тайинлашда жиноятни у қатта ёшдагиларнинг таъсири туфайли қилганлиги ҳисобга олинандими?

Ю. Расулова.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 86-моддасига мувофиқ:

«Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғ-

лигини, содир этган жиноятнинг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.»

Саволга Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг судьяси Азамат ШОМУРОДОВ жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш» асоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлемсиз муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



7 720 10 760 007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — ДАТОРИМ

МАТКАРИМОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусахҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

12 - 45

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Бюрофта Г — 538. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 9731. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46